



**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:  
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>



**THE IDEA OF RELIGIOUS TOLERANCE IS AN IMPORTANT PART OF THE SOCIAL AND SPIRITUAL POLICY OF NEW UZBEKISTAN**

**Abror Abdurakhimov**

*Student*

*Fiscal Institute under the State Tax Committee*

*Tashkent, Uzbekistan*

**ABOUT ARTICLE**

**Key words:** new Uzbekistan, religious tolerance, education, religious committee, denomination, decision, decree, measures, mutual respect, views, religious, spiritual, moral values, ancestors.

**Received:** 20.08.22

**Accepted:** 22.08.22

**Published:** 24.08.22

**Abstract:** the article talks about ensuring religious tolerance in the new Uzbekistan, about the wide opportunities created for all nationalities and peoples, about the consistent policy of the state to ensure religious tolerance, about the measures implemented in Uzbekistan on the basis of the principle of "Enlightenment and religious tolerance" and its meaning.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙИ-МАЪНАВИЙ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ**

**Аброр Абдурахимов**

*Талаба*

*Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

**МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, диний бағрикенглик, маърифат, диний қўмита, конфессия, қарор, фармон, чоратадбир, ўзаро ҳурмат, қарашлар, диний, маънавий, ахлоқий кадриятлар, аждодлар.

**Аннотация:** мақолада янги Ўзбекистонда диний бағрикенгликни таъминлаш, барча миллат ва элатлар учун яратилган кенг имкониятлар, диний бағрикенгликни таъминлаш борасида давлат томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат, Ўзбекистонда «Маърифат ва диний бағрикенглик» тамойили асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва унинг аҳамияти хусусида сўз юритилган.

## ИДЕЯ ВЕРОТЕРПИМОСТИ ЯВЛЯЕТСЯ ВАЖНОЙ ЧАСТЬЮ СОЦИАЛЬНОЙ И ДУХОВНОЙ ПОЛИТИКИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

*Аброр Абдурахимов*

*Студент*

*Налоговый институт при Государственном налоговом комитете*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** новый Узбекистан, религиозная толерантность, просвещение, религиозный комитет, конфессия, решение, указ, меры, взаимное уважение, взгляды, религиозные, духовные, нравственные ценности, предки.

**Аннотация:** в статье говорится об обеспечении религиозной толерантности в новом Узбекистане, о широких возможностях, созданных для всех национальностей и народов, о последовательной политике государства по обеспечению религиозной толерантности, о мерах, реализуемых в Узбекистане на основе принципа “Просвещение и религиозная толерантность” и его значение.

---

### КИРИШ

Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллатлар, 16 та диний конфессия вакиллари, 140 дан ортиқ миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Республика байналминал маданият маркази эса ушбу миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Республика байналминал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллат ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

Ўтган йиллар мобайнида республикаимизда “Ўзбекистон – умумий уйимиз” ғояси асосида “Ўзбекистон – бағри кенг диёр”, “Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати”, “Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини” каби тўпламлар чоп этилди. Айниқса Республика байналминал маданият маркази фаолиятининг 20 йиллигини муносиб нишонланишини юртимиздаги барча миллат вакиллари катта қувонч билан кутиб олишди. Шу муносабат билан Президентимизнинг тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табриги эса янада қувончли бўлди. Юбилей доирасида ўтказилган тантанали тадбир ҳамда таниқли санъаткорлар ва миллий маданият марказлар бадиий жамоалари иштирокидаги гала-концерт кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” IV Дўстлик ва маданият фестивали бўлиб ўтди. Юрт тинчлиги ва мамлакат хавфсизлигини таъминлашда тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларининг аҳамияти катта.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, миллий ва умуминсоний кадрятларга хос тотувлик ҳамда диний бағрикенглик бир-бири билан ўзаро муштарақдир. Ҳар иккала ғоянинг илгари сурилишининг асосий сабаби янги Ўзбекистоннинг кўп миллатли ҳамда турли динларга эътиқод қилувчи инсонларининг ўзаро иноқ ва тотув истиқомат қилишини англатади. Янги Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда диний бағрикенгликни яхши йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, барча миллатларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган.

Сўнгги йилларда нафақат турли динлар, балки ислом динининг асл моҳиятини англаш, адашиб турли оқимлар ва йўлларга кириб қолган ёки ўз юртини тарк этиб, бошқа давлатлардаги турли экстремистик оқимларга тушиб қолган юртдошлармизни олиб келиш, уларни авф этиш юзасидан кенг қўламли чоралар қўрилмоқда. Бунинг аниқ чора-тадбирлари сифатида амалга оширилган “Меҳр-1”, “Меҳр-2”, инсонпарварлик тадбирлари доирасида Суриядаги қуролли можаролар майдонидан ва Афғонистондан 261 нафар фуқаро, Меҳр-3, Меҳр-4 операцияси жараёнида Суриядан яна 98 юртдошимиз асосан-аёллар ва болалар Ўзбекистонга қайтариб олиб келинди [1. №237]. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон инсонпарварлик сиёсатининг ҳамда ўзбек халқига хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримлилик каби миллий менталитетимизнинг олижаноб фазилатларининг амалий тасдиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларни авф этиш тўғрисида” бир нечта фармонлари қабул қилиниб, 2017-2019 йилларда 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди [2. Б. 4].

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида сўнгги йиллар давомида диний бағрикенгликни таъминлаш соҳасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. БМТ Бош Ассамблеяси 2018 йилнинг 12 декабр ойида ўтказилган ялпи мажлисда «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилди. Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳаси БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббуси 2017 йил сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркдаги 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди.

2018 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3668-сонли Қарорига мувофиқ Қўмита

хузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланмиш Конфессия ишлари бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди.

Бу борада яна шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармон муҳим аҳамиятга эга бўлди [3. 2018. 17.04]. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда 10 та диний таълим муассасаси, жумладан Халқаро ислом Академияси, 9 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият юритмоқда. Уларнинг иккитаси хотин-қизлар ўқув муассасасидир. Ана шу таълим масканлари орасида XVI асрда бунёд этилиб, мамлакатимизда илм-фанни кенг ёйишга хизмат қилган Бухородаги Мир Араб ва Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаларидир. «Мовароуннаҳр мусулмонлари» журнали, «Ислом нури» газетаси нашр этилди. «Ҳидоят» журнали чоп этила бошланди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этилди. Қуръони Карим бир миллион нусхада нашр этилди Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида Академия таркибидаги малака ошириш Маркази ҳудудий филиаллари ташкил этилди [4. Б. 312-313.].

2019 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан жамиятда виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги кафолатларини таъминлаш мақсадида мустаҳкам ва доимий ҳамкорликни назарда тутувчи янги тизим жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёв 2017 йил 18-20 сентябр кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотида сўзлаган ўз нутқи орқали бутун жаҳон жамоатчилигига муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини англаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган эзгу ишлар, жумладан халқнинг буюк алломаларидан – Имом ал Бухорий ҳазратларининг «бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом ал Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3668-сонли Қарорига мувофиқ Қўмита хузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланмиш Конфессия

ишлари бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. Кенгаш таркиби 9 тадан 17 та аъзога – Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари ҳисобига кенгайди. 2018 йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармонни имзолади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда диний таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган. 2019 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармонининг 74-мақсади “Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш”, деб номланган. Унда миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтириш кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, стратегияда хорижий тилларда фаолият юритаётган ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилганлиги аҳамиятга моликдир [5. Янги Ўзбекистон. №22. 2022].

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси масжидлар, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва шу каби бошқа объектларнинг реконструкциясини молиялаштириш, уларни моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда ушбу соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлашдан иборатдир. 2018 йилнинг январь-апрель ойларида Республика миқёсида бир неча босқичдан иборат (туман, шаҳар, вилоят, республика) Куръони карим тиловати бўйича қорилар очик мусобақаси ташкил этилиб, унда 5 мингдан зиёд иштирокчи қатнашди.

Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Вилоятларда калом, ҳадис, фикҳ, ақида илми ва тасаввуфни ўрганишга ихтисослашган бешта илмий мактаб очилди. Ислом цивилизацияси маркази томонидан Ўзбекистонда Марказий Осиё мусулмон мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси ривожига ролига бағишланган 10 дан ортиқ китоб ва рисоалар тайёрланди. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Термизий, Ҳаким

Термизий ва термизлик бошқа олимларнинг 20 дан ортиқ асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Насафий, Алоуддин Усмондий, Саффар Бухорий ва ҳ.к. каби улуг алломалар асарларининг аксарияти таржима қилиниб, 50 дан зиёд китоб нашр этилди. Бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 та тилда олиб борилади, 8 та тилда газета ва журналлар чоп этилади, 10 дан ортиқ тилларда радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар эфирга узатилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларидир.

### ХУЛОСА

Янги Ўзбекистон – бағрикенг диёр. Бу иборани ҳамиша ифтихор билан тилга оламиз. Бунга тўла асосимиз бор. Зеро юртимизда турли миллатлар учун ўз маданияти ва маънавиятини тарғиб қилиш борасида қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтиришга катт аҳамият қаратилмоқда. Тарихдан маълумки, халқимиз бошидан кечирган оғир қатағон йиллари ва иккинчи жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейслар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб, камолга етди. Бу бугунги янги Ўзбекистон ҳаётида ўз ўрнини топмоқда.

### Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати

1. Ватанга қайтиш бахти: озод ва хотиржам ва тўқис ҳаёт. // Янги Ўзбекистон.Т.. 2020. 9 декабр. №237.
2. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг (омбудсманнинг) 2019 йилдаги ҳисоботи. Т.: 2020. Б. 4.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Халқ сўзи. 2018 йил 17 апрель.
4. Обломуродов Н, Ҳазратқулов А ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи.-Т.. 2011.- Б. 312-313.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида**»ги Фармони. // Янги Ўзбекистон. № 22. 1 феврал
6. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.